

нинг секретари В. И. Комитов, КПСР Марказий Комитети аъзolari, Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов, КПСР Марказий Комитети аъзolari СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Родионов, КПСР Марказий Комитети аъзolari, СССРнинг ВХРдаги элчиси Я. Павлов, КПСР Марказий Комитети аъзоллигига кандидат, СССР Министрлар совети хузуридаги давлат хавфсизлик комитети раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Пасулов, граждaн авиация министрининг биринчи ўринбосари А. Н. Катрич, КПСР Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Г. А. Киселев, СССР Ташқи ишлар министрининг прокурок бўлимининг мудири Д. С. Минифоров, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Аэродромда кузатиб қолувчилар орасида ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХРнинг СССРдаги элчиси Дюла Ралансн р эди. У ВХР партия-хукумат делегациясини тасвифа эди. Делегациянинг шунингдек В. И. Брежнев кузатиб қолди.

Учинч майдонида қуролли кучлар уч турчининг — пилота аскарлар, учувчилар, денгизчиларнинг фахрий қоровул саф тартиб тизилиди. ВХР партия-хукумат делегациясининг бошлиғи Янош Кадар, фахрий қоровул бошлиғининг рапортини қабул қилди. ВХР ва СССР давлат гимнлари ижро этилди.

Уртоқ Л. И. Брежнев билан Я. Кадар совет жангчилари сафлари олдидан ўтадилар, Москва меҳнаткашларининг аэродромга келган жуда кўп сонли вакиллари Янош Кадарни, социалистик Венгриянинг барча намоёндаларини кузатиб ва самимий табриқлайдилар. Совет-Венгрия дўстлиги шарафига, Венгрия Социалистик ишчи партиясин, қардош венгер халқини шарафига табрик сўзлари эшитилди.

Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, М. А. Суслов ва Совет Иттифоқидаги лиқ бошқа ўртоқлар ВХР партия-хукумат делегациясининг аъзолари билан қардошларга самимий хайрлашадилар.

Венгрия Социалистик ишчи партиясин Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар табриқаси билан КПСР Марказий Комитетининг табриқига биноан Совет Иттифоқида дам оладилар (ТАСС).

ОБЛАСТЬ КООПЕРАТОРЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

Область матлубот жамияти тайёрлов колледжларининг ходимлари КПСС XXIV съезди қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг қатор пленумлари қўрсатмаларини амалга ошириб, тўққизинчи беш йилликнинг белгилловчи йили — план тошириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг кўлаб ёйдирдилар. Шу йил 25 сентябрь кунини халқ ҳўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш плани қатор кўрсаткичлари бўйича олтин билан бажарилди. Сабзавот 111 процент, (пландаги 77,9 минг тонна ўрнига 86,5 минг тонна), полиз маҳсулотлари — 117,5 процент (пландаги 48 минг тонна ўрнига 56,8 минг тонна), мева — 175 процент (2,9 минг тонна ўрнига 6,7 минг тонна), тўхум — 159 процент (6,9 миллион донга ўрнига 11,9 миллион донга), жўн — 100,2 процент (13,8 минг центнер ўрнига 13,9 минг центнер) бажарилди.

Тайёрлов ходимлари Москва, Урал, Сибирь ва Узоқ Шарқнинг саноат марказларига саб-

завот ва мева етиштириб бериш бўйича ҳам планларини 101,7 процент қилиб бажариб ўз интернационал бурчларини адо этдилар. Бу шаҳарларга пландаги 90,7 минг тонна ўрнига 92,5 минг тонна маҳсулот юнатилади.

Бундай муваффақиятга эришишда айниқса, Бўка район матлубот жамиятининг тайёрлов ходимлари (тайёрлов идорасининг директори М. Бадалов), Қўйи Чирчиқ район матлубот жамиятининг тайёрлов ходимлари (тайёр идорасининг директори Р. Ҳаматов, Янги-Йўл район матлубот жамияти тайёрлов ходимлари (тайёрлов идорасининг директори Т. Исабев ўрқоқда) алоҳида намуна кўрсатишди.

Оширилган мажбуриятлар ҳисобидан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари тайёрлаш давом этимоқда.

Шу йилнинг 25 сентябрий кунини қатор кўрсаткичлари бўйича беш йиллик план ошириб бажарилди. Сабзавот 119,8 процент (пландаги 359,4 минг тонна ўрнига 430,7 минг тонна), мева 151 процент (пландаги

11,6 минг тонна ўрнига 17,5 минг тонна), картошка 149,6 процент (пландаги 18,9 минг тонна ўрнига 28,3 минг тонна), тўхум 127 процент, (пландаги 34,5 миллион донга ўрнига 44 миллион донга), мўйна маҳсулотлари 109,4 процент (пландаги 758,6 минг сўмлик ўрнига 830 минг сўмлик) бажарилди.

Жўн ва полиз маҳсулотлари беш йиллик плани ҳам бажарилиш арасисда турибди.

Москва, Ленинград шаҳарлари, Урал, Сибирь ва Узоқ Шарқнинг саноат марказларига сабзавот ва мева жўнатиш плани муддатидан олдин 100,8 процент қилиб адо этилди. (Пландаги 506 минг тонна ўрнига 510,6 минг тонна сабзавот ва мева жўнатилади).

Область матлубот жамиятининг тайёрлов ходимлари тўққизинчи беш йиллик барча план ва тошириқларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан зарур бўлган ҳиссаларини қўшадилар ва КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун ўз куч ва ғайратларини алмайдилар.



Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги арафасида Навоий кўчасида янги ярмарка ишга туширилди. Ярмарканинг 20 дан ортиқ савдо павильонлари ҳамшаҳарларимизга намунали хизмат кўрсатмоқда. Суратларда: савдо пайти. А. Абалии фотолари.

БИРЙўЛА ИККИ РЕКОРД

Жаҳон штангачиларининг Манила шаҳрида ўтказилган чемпионатида совет спортчиси Василей Алексеев ақолиб муваффақият қозонди. У иккинчи

оғир вазидида энг кучли штангачилар билан баҳслашиб, жаҳон чемпиони деган фахрли номни яна қўлда сақлаб қолди. У икки курашда 425 килограммлик штангани кўтариб, жаҳоннинг янги рекордини ўрнатди. Қўшимча ўринида эса силтон билан 241,5 килограммлик штангани даст кўтариб,

яна бир жаҳон рекорди қўйди. Жаҳон чемпионатида совет спортчилари 4 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритдилар. Болгариялик дўстларимиз ҳам бу чемпионатда муваффақиятли қатнашдилар. Улар 4 та олтин, 1 та кумуш ва 1 та бронза медалига эга бўлдилар.

Келаси йилда штангачиларнинг жаҳон ва Европа чемпионатлари Москва шаҳрида ўтказилиши қарор қилинди.

Совети соврини учун энгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақаларда Қозғистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Свердловск, Челябинск ва Магнитогорск спортчилари қатнашдилар. Учрашувларда Ўзбекистон вакиллари аниқ ва тезкорлик билан ҳаракат қилиб, бошқа командаларга нисбатан кўп очко тўпладилар ва биринчи ўринни эгалладилар. Бу муваффақиятга Ливаненко, Усиков, Екименко ваби энгил атлетикачиларимиз айниқса кўп ҳисса қўшдилар.

Иккинчи ва учинчи ўрин Қозғистон ва Тожикистон командаларига насиб бўлди.

РИМДА ДУРАНГ

СССР терма командаси футболчилари Европа бўйлаб сафар давомидида иккинчи ўртинлик учрашувини Рим шаҳрида маҳаллий «Рома» клуби командаси билан ўтказдилар. Ўша кунини кучли ёмғир ёғиб, футболчиларга аяча қийинчилик туғдирди. Лекин учрашув низоъда кескин спорт кураши билан ўтди.

Хужумни мезбонлар бошлаб, 25-минутда ҳисобини очдилар. Шундан кейин Андриасли жаваб тўғини киритди. Учрашувда пахтакорчилар Ан. Федоров, Хадзипанасис муваффақиятли ўйнашди. Айниқса, Михаил Ан билан Олег Блохин «тангдем» қизқарди чикди.

Учрашувда совет футболчиларининг устунилини сезилиб турди. Ҳатто иккинчи бўлимда Блохин рақиб дарвозасига яна бир тўп киритишга муваффақ бўлди. Аммо судьянинг ердан чикариш Блохин ўйинда ташкарий ҳолатда эди деб бу голни ҳисоблашмади.

СОВРИНДОР КОМАНДА

Ўзбекистон ССР Министрлар

ВETERАНЛАР ТУРНИРИ

Ўзбекистон ССР, Қирғизистон ССР ва Тожикистон ССРнинг ветеран спортчилари ўз республикалари юбилейига бағишлаб турнир ўтказишга қарор қилишган эди. Навбатдаги турда Қирғизистон ва Тожикистон командалари футболчилари ўзаро учрашдилар. Учрашув 2:2 ҳисобида тугади.

Ҳулмистон шаҳрида эса Ўзбекистон ва Қирғизистон командалари футболчилари учрашди. Бу мусобақада ветеран спортчиларимиз Красницкий ва Тавегтеднов меҳмонлар дарвозасига жавабсиз иккита тўп киритишди.

Редактор ўринбосари: Р. УМАРОВ.

МАТБУОТ — ОММАГА

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

1975 йил матбуоти учун обуна қизғин давом этмоқда. Бек-ободдаги Навоий номи колхоз, 1, 2, 3. «Далларнинг» совхозлари, мотор-ремонт заводи меҳнатчилари ишдан кейин алоҳида бўлимларига кириб ўзлари севган газет ва журналларга ёзилмоқдалар. Ишчиларнинг кўпчилиги ҳозиргача 6 — 7 хил газет ва журналга обуна бўлдилар.

Район меҳнатчилари ўтган йилда бўлгани сингари бу йил ҳам обуна кампаниясини зўр уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар.

Р. ЮНУСАЛИЕВ.

МИНГ СўМЛИК ОБУНА

Облиқ қишлоғидаги Муқимий номи 29-ўрта мактаб кол. лекцияи шу кунгача минг сўмлик газет ва журналга обуна бўлди.

Мактаб коллективи обуна ишларига барвақт киришди. Ўқувчилар орасида матбуот пропагандаси кенг йўлга қўйилди. Шу босқидан ҳам обуначилар сон кўп сайин ошиб бормоқда. Ҳа демай коллектив обуна ишларини тўла тугатилди.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

ГАЗЕТХОН ОИЛАЛАР

— Эрта билан туриб янги газеталарни бир бор қўздан кечириб чиқсам, кўнглим жо. Янги тушмайди, — дейди қишлоқ ҳўжалик институтини ўқитувчиси Махмуд ака Баҳодиров, — оламда бўлаётган янгиликларни матбуот орқали бир зумда билиб олам.

Баҳодировлар оиласи ўтган йили ўндан ортиқ газет-журналларга обуна бўлган эди. Бу йил ҳам улар қўлаб газеталарга ва журналларга ёзилди. Тошкент темир йўл поликлиникаси врач Абдусаттор Аб. дурахмонлар оиласи ҳам ҳозирроқ 14 хил газет ва журналга обуна бўлди.

Газетхон оилалар кун сайин кўпайиб бормоқда. «Юлдуз» фирмаси ишчиси Қўчқор Пўлат, 88-мактаб ўқитувчиси Топпулат Усмонов қабиладар 12-14 хил газет ва журналга ёзилдилар.

С. СУЛТОНОВ.

АСТРОНАВТИКА КОНГРЕССИ ОЧИЛДИ

АМСТЕРДАМ, 30 сентябрь. (ТАСС). Бугун бу ердаги «Ран» виставка комплексининг конгресс залида 25-халқаро астронавтика конгресси очилди. Конгрессда 35 мамлакатдан келган 500 га яқин делегат, шу жумладан Совет Иттифоқидан делегатлар иштирок этмоқда. Совет делегатлари орасида академик Л. И. Седов (делегация раҳбари), СССР космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Ҳақрамони В. И. Севастьянов, СССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси профессор Г. Р. Черний бор.

Конгресс қатнашчилари космонавтика тараққиётининг илмий-техникавий, медицина-биология ва юридик жиҳатларини муҳокама қиладилар.

«Союз» — «Аполлон» қўшма программасида иштирок этаётган космик кемаларнинг командирлари — СССР космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Ҳақрамони полковниги А. А. Леонов билан Америка астронавти, АҚШ ҳарбий ҳаво қўдрларининг бригадаси генерал Томас Стаффорд конгрессда фойрий меҳмон сифатида қатнашмоқдалар. Уларнинг ҳар икковини учирлувчи космик кемаларнинг Ҳюстондаги Америка марказидан келишиди. Бўлажак парвоз қатнашчилари у ерда биргаликда машгулотлар ўтказишди.

ДУНЁ ОВОЗИ

Чет эл хабарлари

НАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

ВАРШАВА, 30 сентябрь. (ТАСС). Шу йил 28—29 сентябр кунлари Варшавада жаҳон насаба союзлари федерациясининг аъзолари бўлган Европадаги бир қанча насаба союз марказлари раҳбарларининг дўстона учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Чехословакия, Франция, ГДР, Руминия, Венгрия, Италия, Польша насаба союзлари марказларининг раҳбарлари, Бутуниттifoқ насаба союзлари Марказий Советининг раиси А. Н. Шеленин, шунингдек жаҳон насаба союзлари федерациясининг бош секретари П. Жансус иштирок этдилар.

Учрашув чоғида Европада насаба союз ҳаракати, икки томонлама ва кўп томонлама

ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари ва бир-бирларини қизиқтирувчи бошқа масалалар кўриб чиқилди. Учрашув самимий, дўстона вазиятда ўтди ва амалий конструктив характерга эга бўлди.

Бугун ПБНИ Марказий Комитетининг биринчи секретари ўрқон Э. Герек учрашув қатнашчиларини қабул қилди.

Насаба Союз марказларининг раҳбарлари самимий суҳбат чоғида Э. Герекни ўз иш якуллари билан таништирдилар. Э. Герек учрашув қатнашчилари га ПБНИнинг фаолияти ва Польшани социал-иқтисодий ривожлантириш планлари тўғрисида гапириб берди. Суҳбат дўстона, самимий вазиятда ўтди.

ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

БЕЛГРАД, 30 сентябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитети президиумининг мажлиси очилди. ТА-НЮГ агентлигининг хабар беришича, бу мажлисда мамлакатини социал-иқтисодий ривожлантиришга ва иқтисодий барқарорлик вазифаларини амалга оширишга доир актуал масалалар кўриб чиқилмоқда. Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитети президиуми ижроия комитетида секретарь В. Срэнчач доклады қилди.

СССРГА БАҒИШЛАНГАН ФОТОВИСТАВКА

НАВРОБИ. (ТАСС). Кения пойтахтидаги марказий виставка залларидан бири — Ватату галериясида «Совет Иттифоқи» мамлакат ва кишилар» деган фотовиставка очилди. Фотовиставкага совет халқининг турмуши ҳақида, СССРнинг экономика ва маданият соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилувчи юзга яқин асар қўйилган.

Виставкани очиш маросимидида иккинчи эиелатчилигининг ҳамда пойтахт жамоатчилигининг кўлаб вакиллари иштирок этди.

СУД ЗАЛИДАН

ҚИЛМИШИГА ЯРАША

Шу йил ёз ойлари эди. Тракторчи Назир Хусанов беда ортидан тележаксини колхоз озуқа базасига эмас, балки турли хонадонларга бурдагидан қилиқ чиқарди. Қарасани мўмай даромад чўнтагини қаппайтирди. У уйма-уй юриб беда савдосини аякка чиқарди. Лекин қинғир ишнинг қийини тезда чиқиб қўйолди. Жиноят устида қўлга тушган Назирни колхоз правлениси ишдан четлаштирди. Оилавий шаронти колхоздаги меҳнат йилларини ҳисобга олиб шу жазо билангина чекланмади. Аммо Назир «таноби керагича тортиб» қўйилмаганидан тўғри хулоса чиқармади. У бир

кўни маст ҳолда чўнтагига иккита тошин солиб раис хонасига кирди. Хусановни бу аҳволда кўрган раис унга иш бериш бермаслик ҳақида кейин гаплашишини айтиди. Назир қора ниятини амалга ошириш учун шониларди. У чўнтагидан тошини бирини олти хонада суҳбатлашиб ўтирганларга қараб олди. Бир йўла ишонча ололмаганидан асабийланган Назир иккинчи чўнтагидидаги тошин олишга уринаётганда унинг қўллари бошқа ҳаракатга келмади. Уни маҳкам ушлаб олишган эди.

Яқинда Оққўрғон район халқ суди раиси Абдусамид Умаров бошчилигидаги сайёр суд ҳайъати Ҳамид Олимжон номи колхоз тракторчиси Назир Хусановнинг жиноий ишнин кўриб чиқиб, уни ўч йил озодлидан маҳрум этди.

Ғ. ТОЖИБОВЕВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Тўйчи Иноғомов В. И. Ленин номи республика пионерлар саройида ёш доирачилар тўғрисида раҳбарлик қилмоқда. Юқоридаги суратда: Т. Иноғомов ёш доирачиларга янги усулларни ўргатапти.

Автомобиль тўғрисида 40 дан зиёд ўқувчи шуғулланиб, янги-янги моделлар яратмоқда. Пастдаги суратда: тўғрақ раҳбари Б. Фатянов ўз шогирдлари даврасида.

Л. Глауберзон фотолари.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“ ГА ОБУНА БўЛИНГ!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА 1975 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БУЛИМЛАРИДА, КОРХОНА ВА ҚУРИЛИШЛАР, КОЛХОЗ-СОВХОЗЛАР ВА МУАССАСАЛАРДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВИЧЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Газетанинг уч ойлик обуна баҳоси 1 сўм 32 тийин, олти ойга — 2 сўм 64 тийин, бир йилга 5 сўм 28 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЎЗ ВАҚТИДА ОБУНА БУЛИШНИ УНУТМАНГ!

